

10527

-сонли шартнома

II Гуруҳ истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

«05» 01 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент шаҳар суви таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритилган

Шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи Сиф мажорист Бешкаримов Шайхон Шайхон (Ф.И.Ш.)

асосида иш олиб борувчи директор

(Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, қуйдагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун суви етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гуруҳ истеъмолчилари учун суви етказиш 1062,50 нарх бўйича 894058 м³ ни:

1 м ³ суви учун <u>400</u> сўм (+ККС 15%), +100 сўм (махсус устама ҳақ) ни ташкил қилмоқда
1 м ³ оқава сувоқлик учун <u>350</u> сўм (+ККС 15%) +100 сўм (махсус устама ҳақ)
Шу тарика шартноманинг умумий қиймати <u>8998887,25</u> сўмни ташкил қилди. (сумма ёзув билан)
Шу жумладан, бюджет маблағларидан _____ сўм, бюджетдан ташқари
маблағларидан _____ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан
тўлалиши кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ҳазначилиги орқали суви таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, суви қувурлари тариф қийматида (ККС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтирилади.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган мўддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган суви таъминоти ва суви чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг суви таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга суви таъминоти ва оқава сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари"га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 1 апрелдаги № 317-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м³ суви учун ва канализация хизматларига ҳақ:

1 м³ 100 сўм махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал суви етказиб бериш ва оқава суви чиқариш тизимига уланиш учун руҳсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шаҳар суви тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, қўластр нусхасини тақдим қилади, "Таъминотчи"ни ўз вақтида суви ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ҳовлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари суви сепиш, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Коммунал суви таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгиларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этилади ва ишлаб чиқариш жараёни учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал суви таъминоти тизимларидан етказиб берилди.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан суви олиб, оқава сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар суви таъминоти ва оқава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қоидаларга" мувофиқ туздилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва суви ўлчаш тармоғи суви-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган суви ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал суви истеъмолчи ва минимал суви истеъмолчига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда суви истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» суви ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилди. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар суви таъминоти ва суви чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал суви таъминоти ва суви чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (суви ва оқава тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) суви-коммунал хўжаликлар ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйдагилардан иборат:

а) суви истеъмолчи учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички суви узатиш тизимининг бир қисmidир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимига уланиш нуктасидаги суви чиқариш қудуғи бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички оқава тизимининг бир қисmidир. Агар чиқариш оқава қудуғи магистрал оқава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ суви-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг қуви ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) "Истеъмолчи" ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнаттиш.
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун "Таъминотчи"дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) беғул олиш;
- е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни беғул олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қурилганини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музаб қолишига йўл қўймаслик, қудуқ қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга қарши гидрантларга ўтиш йўллари бекитмаслик, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;
- в) "Истеъмолчи" ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устидан ишоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устидан ишоотлар қурилмаслигига йўл қўймаслик.
- г) коммунал сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;
- д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамгани бутлигига шикаст етган ёки разиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;
- е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи"га жорий ойнинг охиригидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;
- ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
- и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига беғона шахсларни қўймаслик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дарҳол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи" куйидаги ҳолларда, истеъмолчини 7 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:
- б) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмаса;
- в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишга ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз ҳалақат берилган тақдирда;
- г) "Таъминотчи"томонидан режалли олдини олиш таъминлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларни улаш учун ишларни ўтказишда;
- д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;
- е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;
- ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхтатилганда;
- и) табиий офатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнғин чиққан ерларга сув етказиш ҳажминини ошириш зарурияти туғилганда.

3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи"лар сувидан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, sanoatga мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;
- г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеъмолчи"лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида "Истеъмолчи"ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланмиш чизиги жўрмаги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг худудида ва тасарруфида бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг касддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни тапқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда;

г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истеъмолчи" худудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқариш (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚКСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, шаҳар сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдorigа тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдorigа 2.0 коэффициентни қўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. . Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда Таъминотчи билан далолатнома имзолаши шарт. Истеъмолчи чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times x \sqrt{2g \times H \times t}$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м²;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сеипилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганга мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)кунгача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойдаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатиломас, сарфланган сув миқдори II гуруҳ истеъмолчилари учун ушбу Қонуннинг 87-«б»банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламига руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади.

-Ўзбошимчалик билан улашиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансдаги тармоқларга уланиш бодир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топши, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойihalаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова ёвни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, хоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4% пеня ёзда ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100% миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кенги ой ҳисобига қўшилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ва оқова сувларни чиқариб юборишни қарз ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юқлатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш оқова сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари" ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлимларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 202_ йилнинг 31 декабригача амал қилади.

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Тошкент шаҳар Сув таъминоти» МЧЖ

Тошкент 100060, Фидокор 2
Тел: 252-19-68, 252-60-79
Факс: 252-19-44
www.suvsoz.uz
2263 8000 6001 0149 9504
Ипотека банк в Мехнатский филиал
МФО: 00423 ИНН: 201 052 713 ОКЭД: 36000
код НДС: 326010005341

Раҳбар

М.Ў.

(Ф.И.Ш., имзо)

« » 202 й.

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Ўзб. Респ. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Маълумотлар бўлими
Тел: 246-01-79, 246-10-53, факс: 97300
Ш/х.р. Банк 100 010 860 262 667 098 100 079 001
ИНН: 2000 3001 0800 1010
Х/р.: 2000 3001 0800 1010
Банк: Шахсий рақам
МФО: 201 052 713
Банк код: СТІР

Банк код СТІР

Газначилик бўлиммаси номи

Раҳбар

М.Ў.

(Ф.И.Ш., имзо)

« » 202 й.

Юридик ҳулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Ҳужалик юридувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун талаблари ва мувофиқ қилинган

Ҳуқуқшунос

« » 202 й.